



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 5 июль, чоршанба

№51 (11.236)

Эркин нархда сотилади

1991-2000
ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги байрам қилинишига 58 кун қолди. Ушбу кунни ҳар бир юрдошимиз ўзгача руҳ ва интиқил билан кутади. Зеро, бу кун бизнинг ҳаётиимизда янги даврни бошлаб берди. Тошкент вилоятда ҳам ушбу қутлуғ санани муносиб нишонлаш, унга тайёргарлик кўриш, шу аснода ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, истиқлол ғояларини ҳар бир фуқаро онгига етказиш ва энг муҳими байрамни юксак ғоявий бадий ўтишини таъминлаш мақсадида алоҳида ҳозирлик кўрилади.

Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ вилоятда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги тантаналарини кенг ўтказиш, у билан боғлиқ тадбирларга тайёргарлик кўриш ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқланиб, мазкур қўмитага байрам билан боғлиқ ташкилий, молиявий ва маданий-маърифий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур шодона муносабати билан фойдаланишга топшириладиган ижтимоий иш-отлар рўйхатини тузиш топширилди.

Яқинлашаётган катта байрам муносабати билан вилоятимизда жорий йилнинг август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойи деб эълон қилиниб, 12 август кунини шаҳар ва туманлардаги мулк шаклидан қатъий назар барча ташкилот ва муассасаларда умумхалқ ҳашари ўтказилади. Ундан тушган маблағнинг 50 фоизи вилоят ижтимоий ривожланиш жамғармаси ҳисоб рақамига ва қолган қисми жойларда байрамни юқори бадий савияда ташкил этиш ишларига сарфланади.

Тантаналар арасида шаҳар ва туманларда ижтимоий жиҳатдан ҳам таъминланган оила, ногиронлар ва етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хайрия тадбирлари шаҳар ва туманларнинг ички имкониятлари, идоралар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар ҳамда бошқа ҳимойларни маблағлари жалб этилган ҳолда амалга оширилади.

Шодоналар, сайлар ўтказиладиган майдонлар, шаҳар ва туман марказлари, ҳўжалик ва муассасалар юксак савияда ижро этилган шир ва бадий безаклар билан байрамона безатилиши назарда тутилмоқда. Шаҳар ва туман марказлари, гузарлар ва байрам ўтказиладиган жойларда санот, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари уюштирилади.

Байрам тараддуғида вилоятдаги турли

бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам жалб этилган. Хусусан, вилоят маданият ишлар бошқармаси мамлакатимизнинг 9 йил ичида эришган ютуқларини шунингдек, миллий мафкура, миллий ғоя, ватанпарварликни тараннум этувчи, соғлом авлодни, тинч осойишта ҳаёт ҳамда бунёдкор ёшлар фаолиятини ўзида акс эттирган бадий дастур яратиш бўйича танлов эълон қилди. Пойтахтда ўтадиган асосий тадбирларда иштирок этувчи фольклор, бадий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар таркибини аниқлаб, уларнинг байрам тадбирларидаги иштирокини таъминлайди. Бунинг учун тузилаётган махсус дастурни тайёрлашда таниқли ижодкорлардан иборат сахналаштирувчи ижодий гуруҳ ва 110 нафар қатнашчидан иборат бадий жамоа жамланиб, улар учун зарур сахна либослари ва сахна кўриниши эскизлари муҳомадан ўтказилди, уларни тайёрлашга буюртма берилди.

Байрам арасида, аниқроғи 25-30 июль кунлари «Туркистон» саройида бўлиб ўтадиган миллий эстрада ва фольклор санъати бўйича ижод қилаётган иқтидорли ёш хонандалар ва жамоалар кўригига вилоят вакиллари қатнашувини таъминлаш ҳам тайёргарлик тадбири дастуридан алоҳида ўрин олган.

Тараддуд муносабати билан вилоят Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бошқармалари, бир неча ташкилот ва муассасаларга аниқ топшириқлар берилди. Вилоят Халқ таълими, Ўрта махсус касб-хўна тарълими бошқармалари, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Нуроний», «Қамолот», «Маҳалла», Амир Темур жамғармалари, вилоят бўлими, барча жамоат ташкилотлари томонидан жойларда, ўқув юртиларида байрамга бағишланган сўхталар, учрашувлар, анжуманлар ва турли спорт ўйинларини ўтказиш режалаштирилди.

Шунингдек, мустақиллигининг 9 йиллиги байрами муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ишлаб чиқаришдаги юксалиш одимлари вилоятда унга қанчалик катта ва кизгин тайёргарлик кўрилатганининг яна бир белгисидир. Бир сўз билан айтганда истиқлол байрами вилоятимиз шаҳар ва туманларнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир хонадонда чинакам шодонага айланади. Чўнки, бу кун биз учун энг улўғ, энг азиз аёмдир...

ВИЛОЯТДА энг кўп галла етиштирувчи туманлардан бири бўлган ўртачирчиклик деҳқонлар давлатга 26 минг тоннадан зиёд дон топириб, шартнома режасини 20 иш кунидан олтига билан бажардилар.

«Қупава», «Қрошқа», «Деметра» бугдой навлари туман шароитида яхши ҳосил тўкиши синовдан ўтган. Шу боис бу йилги галла ҳосили учун 10311 гектар майдонга асосан ана шу синалган нав бугдой экилганди. Ҳосил қутилганидан ҳам мўл бўлди.

Июнь ойининг ўрталарида галла ўримиға ёппасига киришилди. Ўн тўртта

ЎРТАЧИРЧИК:

ҲАЛИ
ҲОСИЛ
МЎЛ

«Кейс», 20та «Нива» ва «Енисей» комбайнлари юксак ўнум билан ишлатилди. Бурхон Қурбонхўжаев, Алишер Маллабоев, Маҳмуд Қосимов каби тажрибали комбайнчиларнинг ҳар бири шу кунгача 500 гек-

тардаги ҳосилни ўриб-янчиб бердилар.

«Қорасув», Охунбобоев номли, «Роватак», «Янги турмуш», «Қайтмас» ҳўжаликлари гектаридан 45 центнергача ҳосил кўтариб, туманнинг умумий галла ҳирмонига баърака киритдилар.

Ҳозиргача 7700 гектар ердаги ҳосил ўриб-янчиб олинди. Қолган 2611 гектар майдондаги галла ҳам бир ҳафтадан кечиктирмай саранжомлаб олинади. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 40 центнерга етади.



БУ ЙИЛ Ўрта туманининг Саймоқов номли жамоа ҳўжалигида экилган «Сангзор-6» ва «Қупава» бугдой навлари 45 центнердан ҳосил тўкди. Шу боис давлатга шартномадаги 841 тонна ўрнига 1150 тонна дон топирилиб, режа 11 иш кунида бажарилди. Айрим майдонларда бугдой бошоқлари тўқ ва дони йирик бўлди. Шунинг ҳисоб-

УЧДАН БИРИ
УРУҒЛИК

га олган мутахассислар галлазорларни апробациядан ўтказиш чоғида бу майдонларни уруғлик учун ажратилди. Ҳўжалик зиммасига камида 250 тонна уруғлик тайёрлаш топшириқ юклатилди.

Галлазорлар бу масъулиятли вазифани ҳам раф билан урдалашмоқда. Жумладан, Самад Қўнғи-ров бошлиқ бригадада

гектаридан 48 центнердан сара дон ҳосили олинди.

СУРАТЛАРДА: (чандан) галла бўйича ҳосилот Шонасир Сиддиқов, бошқарув раиси Саидхат Саймоқов ва бригада бошлиғи Нуриддин Муталиев уруғликка мўлжалланган дон сифатини кўздан кечиришмоқда; комбайнчи Илғор Ғофуров.

ГАЛЛАКОР МАНФААТИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Ўки галла ҳосилини қабул қилишда ҳўжалик ва фермерларнинг иқтисодий манфаатлари эътиборга олинмаётгани ҳақида

БУ ЙИЛ вилоятимизда галла ҳосили мўл бўлди. Урим-йилми ишлари пухта ташкил этилган боис давлатга дон топириш ҳам ҳар қачонгидан жадал бормоқда.

Бироқ жойлардан тахририятимизга келаятган хабар ва маълумотларга қараганда, айрим қабул пунктларида ҳиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани галлакор ҳўжалик ва фермерларни ранжитмоқда, келишмовчиликлар юз беришига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан муҳбиримиз вилоят қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекцияси бош мутахассиси Нуриддин ЖАВҲАРОВГА мурожаат этиб, вазиятни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

Ҳўжалик галлакорлари ва фермерларни ранжитаятган ҳатоликлар, келишмовчиликлар фақат бу йилги мавсумда содир бўлаётгани йўқ. Ўтган йили ҳам дон қабул қиливчиларнинг совуққонлиги, галлакорларнинг иқтисодий манфаатларини меъсимасликлари оқибатида ҳўжалик ва фермерларга моддий зарар етказиш ҳоллари юз берган. Чўноқни, «Бекобод-ун» ҳиссадорлик жамияти 1999 йилда туман ҳўжаликлари ва фермерларидан 5,7 минг тонна бугдойни синфсиз дон сифатида қабул қилганлиги ҳақида маълумот олинди. Шунга асосан инспекциямиз ҳиссадорлик жамияти фаолиятини чуқур таҳлил қилиб кўрди. Натижада бугдойнинг барча сифат қўрсаткичлари (сифат гуруҳидан ташқари) 2-синфга тааллуқли. Бироқ 1-сифат гуруҳи талабларига жавоб бермаганили баҳонасида 3-синфга қабул қилинган. Бир тонна 2-синф билан 3-синф бугдой нархи орасидаги фарқ эса 3520 сўм. 645 тонна бугдойни топири-

якши, ҳиди йўқ, моғорламагани, хашаротлар зарар етказмаганлиги аниқланди. Республикада амал қилинаётган андоза талабларида «сифат гуруҳига жавоб бермайдиган бугдой синфсиз донга қабул қилинади» деган қўрсатма йўқлиги инobatга олиниб, шунингдек, давлат манфаати нуктаи назаридан ўша 5,7 минг тонна бугдойни 3- ва 4-синфли бугдойга ўтказиш ҳақида қўрсатма берилди. Натижада ана шу донни топиригачилар билан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ҳўжалик ва фермерларга қўшимча 12 миллион сўм ўтказилди. 5,7 минг тонна бугдой эса тегиридонда ун қилиниб, халққа сотилди. Бу унинг сифати ҳисобига ўтказилганлиги туфайли нафақат ҳўжалик ва фермерлар, балки «Бекобод-ун» корхонаси ва халқ ҳам

Афсуски, тоза ва сифатли бугдой фақат сифат гуруҳи талабига жавоб бермагани учун уни синфсиз

донга қабул қилиш ҳоллари бу йилги мавсумда ҳам учраб турибди. Бу эса биринчи галда галла етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатларига катта зарар етказмоқда. Масалан, ўша «Бекобод-ун» корхонаси туман ҳўжаликлари ва фермерлари топириган 15,2 минг тонна (соф вазн) бугдойнинг 5,6 минг тоннасини синфсиз донга ўтказган.

«Тўйепа ККЗ» корхонаси ҳўжалик ва фермерлардан қабул қилган 645 тонна бугдойнинг барча сифат қўрсаткичлари (сифат гуруҳидан ташқари) 2-синфга тааллуқли. Бироқ 1-сифат гуруҳи талабларига жавоб бермаганили баҳонасида 3-синфга қабул қилинган. Бир тонна 2-синф билан 3-синф бугдой нархи орасидаги фарқ эса 3520 сўм. 645 тонна бугдойни топири-

ган галлакорлар жами 2,3 миллион сўм моддий зарар кўришган.

Шу муносабат билан ҳўжалик раҳбарлари ва фермерларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишимизда улар қўйидаги мазмунда талаб қўйди: «Ўз РСТ-880-98» андозаси галланинг фақат намлигидан бошқа барча сифат қўрсаткичлари собиқ Иттифок даврида амал қилган ГОСТ 93-53-90 андозасидан ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қилинган. У пайтларда экилган бугдой навлари уруғлари Россия ва Қозғистондан келтирилди ва сифати ГОСТ 93-53-90 андозаси талабига жавоб беради. Ҳозир эса ҳўжаликлар ва фермерлар республикада етиштирилаётган серхосил бугдой навлари уруғини эъмоқдалар. Ҳосилини топириш пайтида эса, юқорида айтганимиздек, андозадаги сифат гуруҳи талабларига жавоб бермайди, деб синфсиз бугдойга қабул қилинмоқда.

Яна бир масала. Вилоятимизда кўпгина ҳўжалик ва фермерлар 15 июнгача давлатга галла сотиш режасини 50 фоиз бажардилар. Шундан

кейинги топирилган донга келишилган нархда, яъни 1,2 баравар ортиқ миқдорда ҳақ тўланапти. Режа юз фоизга етганидан сўнг эса келишилган нарх 1,4 баравар оширилди. Бизнингча, режа 50 фоизга етганидан бошлаб, келишилган нарх 1,4 баравар оширилса, одилона иш бўларди. Маълумки, бу йил давлат галла харид нархи 15 март кунини (№ 70-01-04-1992/16) белгиланган эди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг масъул ҳодимлари томонидан ишлаб чиқилганлигига қарамай, унда галлакорларнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинмаган. Шошалоқлик, демакки, масъулиятсизлик қилинган. Чўноқни, галланинг намлик меъёри 14,5 фоиздан 14 фоизга туширилган. Ваҳоланки, дон тегиридонда ун қилинишдан олдин намлиги 14,5дан 15,5 фоизга келтирилди.

Бугдойнинг сифат гуруҳи андозага тўғри келмаса, синфсиз донга қабул қилинади, деган қўрсатма йўқ. Ҳозир ҳўжаликларда етиштирилаётган бугдой навлари кўп ҳолларда сифат гуруҳи талабларига жавоб бермапти. Оқибатда у синфсиз донга қабул қилиниб, ҳўжалик ва фермерлар катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Тасаввур ҳосил қилиш учун айтиш лозимки, бир тонна 3-синф бугдой билан шунча синфсиз бугдой нархининг фарқи — 3740 сўм.

Яна бир масала. Вилоятимизда кўпгина ҳўжалик ва фермерлар 15 июнгача давлатга галла сотиш режасини 50 фоиз бажардилар. Шундан

ВИЛОЯТ
ҳаёти

ХИЗМАТ СИФАТИ ОШАДИ



Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида транспортларда одам ва юк ташиш билан шуғулланувчилар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Шу муносабат билан шаҳар ва туманлардаги йўл ҳодисаларининг олдини олиш, шахсий транспортларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида вилоят ҳокими махсус фармойиш берди.

Мазкур фармойишга **Убайдулла ҲИМАТОВ**.

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ



Қибрай туманидаги «Ўтқир» қишлоғида жойлашган 27-умумтаълим мактаби янги ўқув йилига муддатидан илгари тахт қилиб қўйилди. Бунга «Бурота» ширкат ҳўжалигининг ҳомийлиги,

саъй-ҳаракатлари ва кўрсатган оталиқ ёрдамлари туфайли эришилди. Бунинг учун ширкат ҳўжалиги томонидан керакли қурилиш материаллари ҳамда 120 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, ота-оналар қўмитаси, маҳалла феоллари, педагогик жамоа ўқитувчилари синф хоналари, спорт зали ҳамда ўқув дастгоҳларини тартибга келтиришга ҳисса қўшдилар.

Ўз муҳбиримиз.

БАҲСДА КУТУБХОНАЧИ
ҚИЗЛАР

Оққўрғон маданият уйида туман кутубхоначиларининг «Балли, қизлар!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда кутубхона ишини яхши йўлга қўйган, саранжом-саришта кутубхоначи қизлар беллашдилар.

Энг кўп олқиш олган Мухайё Мақсудова «Балли, қизлар!» кўрик-танловининг ғолиби деган ном-

га сазовор бўлди. Ғолиб кутубхоначига туман ҳокимлиги ҳамда маданият бўлимининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Мукаррама ТОЖИВОВА.

МЕХНАТ БОЗОРИДА НИМА
ГАП?

Ўртачирчик туман ҳокимлиги Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими Меҳнат бозори ярмаркасини ўтказди.

Ишсиз аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этган бу тадбирда туман марказий шифохонаси, Тўйепа автобус саройи, «Қобул — Ўзбек», «Тўйепа — Бурсель» қўшма корхоналари ва бошқа ташкилотлар қатнашди.

Меҳнат бозорида 65

кишининг меҳнат қонунига оид саволларига муфассал жавоб берилди. 26 кишига эса халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги бўш иш ўринлари га йўланма берилди.

«Дурдона Холис» фирмаси меҳнат бозорига келган ва ишсизлар рўйхатида турган 7 нафар хотин-қизлар билан уларни касаначилик касбига ўқитиш юзасидан шартнома тузди.

Кези келганда шунинг таъкидлаш керакки, туманда фақат июнь ойининг ўзида 60та янги иш жойи очилди. Йил бошидан буён эса бу қўрсаткич 772таши ташкил этди.

Исмаилов
НЕЪМАТУЛЛАЕВ.

ВИЛОЯТ
ҳаёти

Ибрatнoмa

Матмусанинг ҳавога кўтарилган қалъачили қўли муаллақ қолди.

— Уят-е, — давом этди Розик оқсоқол. — Ҳали ёш бола-ку, шунчалик зулм қиласанми, нодон? Отанг бунақа эмасди-ку.

Матмусанинг қовқоқлари уйилди. Ўзи аслида ёмон одам эмасдию, сал бағри-тошроқ эди. Ундан маҳал-ланинг йигит-қизлари зи-риллашар, орқасидан «чала бойвачча» деб ку-лишарди.

— Нима қилай, — деди Матмуса, — боддаги ўрик-ларни довуқчилигидан еишга туушишган, энди олмага навбат келти...

— Тўртта олмага шун-чами? — Розик оқсоқол астойдил куяди. Олдинга ўтказиб: «ундай қилма, гуноҳ бўлади, сўрасанг йўқ демай бера-

ман, болам», десанг тушун-майдами? Ўзинг болалигинг-да қанақа эдинг?!...

Матмуса чили билан жуда шўх эди. Ошмаган девори, чиқмаган дарахти, емаган кал-таги қолмаган эди. Бир куни

эгилиди, мен деса калтак бо-шида синади.

— Сўрашувди, мен бер-дим, — деган овоз эшитилди орқадан. Ҳамма ялт этиб ўги-рилди.

— Ия, пишманми нарсани

МАДАДКОР ҚЎЛ

Раҳмон оқсоқолнинг боғидан бир кўйин думбул ўрикни олиб чиқиб, болалар билан ўртага қўйиб ёйишадиганда, Мирражаб понсод келиб қол-ди. Қоғоз устида ётган дум-бул ўрикларни кўриб ичи ачишди.

— Ким ўғирлади? — ўда-гайлади у.

Болаларнинг югани бўғзи-да, чайнагани оғзида қолди.

— Ким дедиман?

Матмусанинг боши баттар

босиқлик қилган, бўлмаса охири нима бўларди. Гўринг нурга тўлғур заб аjoyиб одам эди-я. Мабодо мулоимм кўзлари билан қараса жаллод ҳам тоб беролмай болтасини отиб юборарди.

энди бундай қилмаймиз.

Матмуса болаларга бир қаради-ю, кўзларини олиб қўйди. Бу ишларни кузати- турган Тўлаш муаллим пайғамбаримизнинг: «Би-родарларингизга — хоҳ у зolim бўлсин, хоҳ мазлум — ёрдам беринг». Сўра-дилар: «Мазлумга-ку, ёрдам берамиз, зolimга ёрдам беришлик қандай бўлади?» Жавоб берди-ларки: «Уни зулм қилиш-дан тўхтатиб қолсангиз шу унга қилган ёрдамнингиз бўлади», деган ҳадисини ёд этиб, шукрона қилар-ди.

Темур убайдулло.

Ўчрашув мушoиpaгa ўлaниб кeтди

Ўртачирчиқ туманида- ги Ким Пен Ха номли халқ корпорациясининг сўлим боғига йиғилган- лар миллий мафкура, унинг тамал тошлари, келгусидаги халқимиз ҳаётида ўйнайдиган бекиёс улўғ хизмати ҳақида ҳар томонлама қизиқарли суҳбатлар- нинг гувоҳи бўлдилар. Фақатгина халқ корпо- рацияси эмас, яқин атрофдаги жамоа хўжа- ликлари, маҳалла ахл-

лари олдиди Олий Мажлис депутатлари Ўзбекистон халқ ёзувчи- си Ўткир Ҳошимов ва Шарифа Салимовалар, «Миллий тикланиш» халқ демократик партияси раиси, «Миллий тикла- ниш» газетаси бош муҳаррири Иброҳим Ғофуров, «Саодат» журна- ли бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева, туман газетаси муҳаррири, шoir Ҳамид Норкуловлар

янгийўлда ёшлар куни

«Соғлом авлод йили» муносабати билан анъанага айланиб бораётган тадбирлардан бири Янгийўл шаҳ- рида бўлиб ўтди.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштрилган «Ёшлар куни» деб номланган ушбу тадбир- да маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар ҳамда юқори синф мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Йиғилган- лар эътибори бугунги ёшларни қасбга тўғри йўналтириш, уларнинг би-

лим ва кўникмаларини одил бақолаш мавзуларига қара- тилди.

Шундан сўнг мактаб би- тирувчилари билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўрта мактабларнинг бир қатор аълочи ва иқтидорли ўқув- чиларига эсдалик совғалари топширилди.

Равшан Ёқубжонов.

Шарк дурдоналари

Қирқ вазир қиссаси

(асардан парчалар)

ХИКОЯТ

Хотин деди: «Бир киш- лоқнинг турклари кунлар- дан бир кун шаҳарга бо- рибдилар. Улар шаҳардан қайтишда қишлоқларига яқин бир жойда қоринлари очиб, овқатланиш учун тўхтабдилар. Ҳўржунари- дан нон билан пиёз олиб ея бошлабдилар. Пиёзнинг аччиқлигидан уларнинг кўзлари ёшланбди. Шу аснода нарироқда ўйнаб юрган қишлоқ болалари узокдан уларнинг кўз ёш қилиб ўтирганлигини кўрибдилар. Улар ўзлари- ча: «Буларнинг бири ўлган бўлса керак, шунга кўз ёш қилишяпти», деб ўйлашиб дархол қишлоққа келиб бу ахволдан хабар берибди- лар. Қишлоқдаги хотин-хал- лаж бу хабарни эшитиб уввос солиб йилғашга ту- шишибди. Халиги турклар қишлоққа кириб келишган- да барча хотин-халлаж улар- ни йиғи билан қутиб олиб- ди. Уларнинг йиғисини кўрган турклар ҳам: «Қиш- лоқда биров ўлган бўлса керак», деб ўйлаб, уларга қўшилиб йилғашга бошлаб, бир-бирларидан қим ўлган- ларни суриштира бошлаб- дилар. Ва воқеа барчага аён бўлибди. Улар бесабаб йиғлаганларини англабди- лар. Энди, эй шохим бу хи- коятни шунинг учун келтир- димки, ўғлинг томонидан ҳам худди шундай фасод ишлар содир бўлди. Агар уни қатл этмасанг, у сени қатл этади». Подшоҳ хоти- нидан бу ҳикоятни эшитган: «Шахзодадан эртага жаллод- га топшираман» — деб ёто- нига кириб кетди.

Эртасига подшоҳ тахти- га чиқиб шахзодадан жаллод қўлига топшираётганида йиғирма биринчи вазир ки- риб келди ва деди: «Эй, шохим! Кеча бир китоб ўқиб туриб ундаги шундай бир маълумот диққатимни тортиди. Унда айтилишича Хиндистонда бир улўғ под- шохнинг жуда кўп илму ҳикмат билитган китоблари бор эди. Улар учта туяга юк бўлар эди. Кунлардан бир кун ил подшоҳ ўз дониш-

мандларини йиғиб, ушбу хик- матли китоблардан бир мух- тасар тўплам қилиб беришни сўрабди. Бас, барча хинд юрти донишмандлари йиғилиб ке- либ ул китоблардан энг му- хим хикматларни тўплаб, бир китоб ҳолига келтирдилар. Подшоҳга бу китоб жуда ёқди. Ул китобда жумладан шундай хикматлар ёзилган эди: «Эй шох! Дунё бойлик- ларига алданиб, мағрурлик қилма. Бу дунё ўзини барча- га бир гўзал келинчақ каби кўрсатур. Инсонлар унга ал- даниб ўзларини унинг оғуши- га отадилар. У эса бир кун- мас бир кун домига илинган- ларни халок этар. Доимо унинг найрангидан ўзингни сақлагайсан. Қўлингдаги молу дунёни Ҳақ таоло йўлида сар- флағайсан. Золим бўлма. Олижаноблик билан ном чи- қар. Бу дунёнинг ёғдуси асли қоронғуликдир, янгилиги эс- қилиқдур, борлиги йўқлиғидур. Эй, шох! Бундай бевафо дунёдан сақлан ва ҳаром мол йиғишга майл этма. Чунки мол сенинг қўлингдан кетар, лекин гуноҳи ўзингга қолур. Молу дунёни халолдан то- пишга интил. Қўлингдаги молу дунёни яхшилик йўли- га, эҳқул ишларга сарф қилгин ва бағули қудрат ўзингни эл аро адолат ила танит. Шун- дай қилсанг халқ сени сева- ди. Ҳақ таоло ғазабидан қўрқ ва охират учун динингни сақ- ла. Хотинлар сўзига эътимод этма ва сирингни уларга бил- дирма, уларга алданма, зеро улар қисмонан заиф бўлса- лар ҳам макру хийлада куч- лидирлар. Энди, эй шохим эътиборга лойиқ бу хикматли сўзлар гўят ибратлидир. Улар- га амал қилмиш лозимдур. Мазкур хикматлардаги ҳақиқат кўпгина хикоятларда ўз та- сдиқини топгандур. Бир под- шоҳ ва унинг хотини ҳақида- ги хикоят ҳам бунга мисол бўла олади». «Подшоҳ деди: «Сўйла ул қандай хикоят экан».

ХИКОЯТ

Хотин деди: «Бир шаҳарда бир тўқувчи бор эди. Унинг бир ўғли бўлиб, ёмон хулқли эди. Тўқувчи ҳамиша унинг зарари дастидан эзилар эди. Унга доимо насиҳат қилар, лекин унинг ақс табиати ту- залмас эди. Кунларнинг би- риди бу тўқувчи катта бир ан-

Араб имлосидаги эски ўзбек тилидан таржима қилиб нашрга тайёрловчи Асадали ХАКИМЖОНОВ, тарих фанлари номзоди.

(Давоми бор).

Ёз эртаги

Бой Бўйида

Бир бор экан, бир йўқ экан, шу бизнинг замонда, Бостонлик томонда Ҳумсон тоғлари этакларида бир яё- лов бор экан. Яёловда туд- туд кўю-қўзичоқлар, эчки- улоқлар яйраб-яйраб ўтлаб юришар экан. Бир кун Кўзичоқ ошнаси Улоқчага дебди:

— Ошнажон, кўрганимиз, юрганимиз шу яёловми? Бир саёхат қилдираман, деган эдинг.

— Юр, бўлмаса, — дебди Улоқча. Икковлон аста-секин арчазорлар оралаб, пастга қараб юра бошлабдилар.

Кўзичоқ ён-атрофига қараса баланду паст буталар, турли гул-ғиёҳлар ўсиб ётганимиз. Уларга махлиё бўлиб, кетаёт- са Улоқча оғохланитибди:

— Эҳтиёт бўл, бу ерлар яё- лов эмас, борган сари сой бўйига яқинлашялмиз. Оёғинг- ни ўйлаб бас, тошлар кўп.

Чиндан ҳам арчазорлар тугабди-ю, тошлоқ бошланиб- ди. Кўзичоқнинг кўзлари қу- наб, тошдан-тошга дикир-ди- кир сакрабди.

— Вуй, анави сувни, — деб- ди у, — муздек бўлса керак-а. Улоқча унга жавоб бермай енгилгина юриб, сой бўйига борибди. Икковлон мазза қилиб зилол сувдан симири- шибди.

— Юр, нариги қирғоққа ўтамиз, — дебди Кўзичоқ. Лекин ўзи ёғоч кўприкдан ўтишга қўчибди. Шунда Улоқча орқаси билан тиса- рилиб, Кўзичоқни ҳар бир босган қадамини кузатиб, сойдан ўтиб олибдилар.

— Жуда ҳам шўх сой экан, — дебди Кўзичоқ.

— Аммо олам кўрган ҳам яхши экан, яна келамиз бу ерларга.

Шўх сой эса тошдан-тошга урилиб оқиб, худди «яна ке- линлар», дегандек бўлибди...

Александр АБАЛЯННИНГ суратлар архивидан.

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишлар- ича, 5-9 июль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат кечалари 18-23, кундуз кунлари эса 37-40 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов ту- манидаги 310-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Мауляноҳдаева Наргиза Пўлатовна номига берилган А № 416286 рақамли аттестат йўқолганли- ги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шах- сий таркиби Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи- нинг ўринбосари милиция подполковниги Зух- риддин Бобокалоновга волидаи муҳтарамаси

ХУРИНISO Аянинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдард- лик билдирадилар.

Ўзингизни биласизми?

ТАЪРИФ БЕРИШЛАРИЧА...

◆ Майин соч кўрқоклик, дағал соч эса ботирлик аломатидир.

◆ Соч дағал, бўйи баланд, қорни катта, елка кенг калланинг орқаси дўнг, кўраги сергўшт, қўймичи ингичка, кўзи қуруқшган ва қизғиш, пешонаси кенг ва узунчоқ бўлса чўртқесар ва иймони мус- таҳкам бўлади. Буларнинг акси тўтўрқ- сизлик ва ланжлик аломатидир.

◆ Мушакларнинг заифлиги, ўртамеъ- на семизлик, сўзни тил билан эмас, кўпроқ ҳаракат билан тушунтиришга ури- ниш, терининг юмшоқлиги — мушфик-мех- рибонлик ва ифбатлилик белгиларидир.

◆ Бўйни йўғон, пешонаси кенг, елка- лари кўтарилган, қорни ва пешонаси думалоқ, кўзлари қўқиш одам хотин-ха- лажа бепарво бўлади.

◆ Кўзлари шохлоқ, қош- лари қуюқ, бўйи паст, ҳара- кати жонсарак, қип-қизил ва думалоқ, юзида холи бор аёллар одатда ҳаёсиз- роқ.

◆ Чехраси синиқ, қоши барок, ҳаракатлари беўх- шовлар ҳамиша руҳан эзил- ган ва осудалигини йўқот- ган қимсалардир.

◆ Бошини хиёл ўннга буриб, одимини катта олиб, қўл ташлаб юриш, ўтирган- да қўлини белга тираш ва ҳамсуҳбатининг кўзига тик- қа қараш тўғма олижаноб- лик ва омадликлик алома- тидир.

◆ Кимнинг устки лаби қалин ва остиқидан кенг бўлса, шовшиб-пишиб юрса, камдан-кам рост гапирди.

◆ Рангининг оппоқлиги, буруннинг носковққа ўхшашлиги, кўзининг шил-

пиклиги хотин-халажга бўшанг одамлар- га хос аломатдир. Бунақа одам ҳеч қачон қуюшқондан чиқмайди.

◆ Кимнинг бўйни йўғон ва калта бўлса, жажли тез, феъли бад.

◆ Ингичка, узун бўй жасоратсизлик- дан далолат. Бунақа одам ўз соясидан ҳам кўрқади.

◆ Остки лаби қалин, осилиб турган одам фаҳм-фаросатсиз.

◆ Бурун учи йўғонлар имиллаб ҳара- кат қиладилар. Буруннинг учи ингичка- лар баджаҳл ва аридай қақадиган бўли- шади.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

ЎНТА ЎЙИН, ЎНТА... МАҒЛУБИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН 9-миллий чем- пионати иккинчи табақаси мако- мидаги вилоят биринчилиги мусобақаларининг биринчи давра ўйинлари нихоясига етди. Бирин- чиликда қатнашаётган ўн битта жамоа ўзаро ўнта- дан ўчрашув ўтказди. Беллашувлари жами 50 мингдан зиёд футбол ишқибози бевосита ўйингоҳ- га келиб томоша қилди. Эллик бешта ўчрашувда дарвозаларга 270та, демак, ҳар ўйинда қарийб бештадан тўп киритилди.

ЮҚОРИДАГИ рақамлар- дан келиб чиқиб, вилоят биринчилиги юқори савия ва қизгин баҳслар остида ўтмоқда дейиш мумкин. Бу фикрни қўйидаги ҳолат ҳам яққол тасдиқлайди. Бирин- чи давра беллашувлари да- вомида 134 нафар футбол- чига сариқ картонча кўрса- тилди. Бундан шундай ху- лоса чиқариш мумкинки, республика тоифасидаги бош ҳакам Тоир Тошмуҳа- медов раҳбарлигидаги 19 нафар ҳакам ўйинлар чоғи- да ўз вазифасига жиддий муносабатда бўлиб, майдон- да ҳолис ва ҳалол ўйин бўлишини таъминлашга ҳа- ракат қилмоқдалар.

Биринчи давра мусобақа- ларида ўзига хос рекорд натижалар ҳам қайд этилди. Жумладан, жаҳвалнинг би- ринчи поғонасини эгзалаб турган «Оҳангарон-С» жамо- аси ҳали мағлубият алами- ни тотиб кўргани йўқ. Ва, аксинча, Покент туманининг «Истиклол» жамоаси нафа- қат бирорта галаба, ҳатто, дураниг натижага ҳам эриша олмади. Ўнта ўйиннинг ҳам- масини бой бергани устига бутун мавсум давомида бо- рийги олтигагина тўп кири- тиб, ўз дарвозасидан 57та тўп ўтказиб юборди. Жамоа мутасаддилари бундай тес- қари рекорд сабабларини обдон ўрганиб, тегишли ху- лоса чиқариб олсалар яхши бўларди.

Оҳангарон туманининг «Қорахитой» жамоаси вило-

ят биринчилиги мусобақа- ларига шу йил қўшилди. Би- роқ унинг ўйинларию жаҳ- валдаги ўрнини кўрган киши бунга ишонмаслиги мумкин. Чунки, кечаги «кўча футбол- чилари»дан ташкил топган жамоанинг катта даврага кирибоқ голиблика жаҳво- гарлик қилиши бу соҳада «кўп қўйлақ ийртган»ларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Иккинчи ўринда мустаҳкам ўрнашиб олганлиги беҳиз эмас. Зеро, ўнта ўйинда энг кўп — 54та гол уриб, ўз дарвозасидан эса энг кам — 9та тўп ўтказиш «манман» деган жамоалар ҳам ҳавас қилса арзийдиган натижа. Бу жамоанинг истиқболига умид боғлаш мумкин кўри- нади. Яқин йиллар ичида у вилоятимиз спорт шарафи- ни республика олий табақа- сида ҳимоя қилса ажаб эмас.

Вилоят биринчилигининг ўзига яраша тўпурарлари ҳам бор. Уларнинг сардори ҳам «Қорахитой»дан. Шер- зод Солиев ҳар ўйинда 2,4тадан, жами 24та гол ки- ритди. Ҳали иккинчи давра ўйинлари турибди. Шерзод шахсий голларини элликта- га етказса, ҳеч қим ажаблан- мас керак. Тўпурарлар бах- сига иккинчи ўринни эгзала- б турган Александр Ка- гулько («Оҳангарон-С») ҳисобида 15та гол бор.

Ҳозир вилоят биринчили- ги қатнашчилари таътилда дам олмақдалар. Иккинчи давра ўйинлари 23 июль кун и бошланади.

Биринчи давра мусобақаларидан сўнг жамоалар- нинг эгзалаган ўрни

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Оҳангарон-С»	10	8	2	0	47-9	26
«Қорахитой»	10	8	0	2	54-9	24
«Акмал»	10	6	1	3	21-15	19
«Олмалик»	10	5	3	2	25-12	18
«Шолиқор»	10	5	2	3	19-13	17
«Умид»	10	4	2	4	24-28	14
«Цементчи»	10	4	1	5	27-23	13
«Тўйтепа»	10	3	2	5	19-21	11
«Янгийўл»	10	3	1	6	11-23	10
«АФЛ»	10	2	0	8	24-48	6
«Истиклол»	10	0	0	10	6-57	0

НАЖОТ ТЎПИ ВА ОЛТИН ГОЛ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, бутун жаҳон футбол ишқибозла- рини икки ҳафтадан зиёд вақт ҳаяжонга солиб турган Оврупо чемпионати нихоясига етди. Эхтирослар сўнди, асаблар жойига тушди. Лекин бундай хулоса ашад- дий ишқибозларга тааллуқли эмас. Зеро, айрим футбол мутаассиблари семимли жамоалари мағлуби- ятини узок вақт «ҳазм» қилолмай юрадилар.

ФИНАЛ ўчрашуви ҳақида ҳам айнан шу фикрни ай- тиш мумкин. Ўйин бошидан охиригача ҳаяжонли кечди. Италиялик чарм тўп устала- рининг ягона гол тимсоли- даги устуниги (айтиш мум- кинки, галабаси) 35 дақиқа давомида қил ўчиди илиниб турди. Бундай пайтда фут- болга ошўфта бўлмаган қалб ҳам туғёнга келса ажаб эмас.

Италия жамоасининг галабасига шубҳа қолмаган бир пайтда, ғъни 94 (!)-да- қиканинг сўнгги сониялари- да мўъжиза юз берди. Французларнинг иккинчи бўлимда майдонга тушган «сеҳрли таёқча»лари — Вил- тор ҳисобини тенглаштирди. Аслида ўйин тақдирини шу гол ҳал қилди. Қўшимча вақтда Дэвид Трезеке ки- ритган олтин гол ўчрашув- нинг мантқий якуни бўлди.

Франция терма жамоаси жаҳон чемпиони унвоини ёнига Оврупо чемпиони унвоини ҳам қўшиб қўйди. Эътироф этиш керакки, зўр зўр-да!

Самад йўлдош.